

## Капитал таъмирлаш ишларини амалга ошириш учун

52/22 -сонли Пудрат шартномаси

Тошкент ш.

2022 йил “20” Июль

“Минерал ресурслар институти” давлат муассасаси номидан Устав асосида иш олиб борадиган директор Холиков А.Б. бир томондан, бундан кейин Буюртмачи деб юритиладиган, иккинчи томондан “RAVOT ME’MOR QURILISH” МЧЖ раҳбари бўлган Джалилов А.Х., Устав асосида ишловчи, бундан кейин Пудратчи деб аталадиган бошқа томондан, ушбу шартномани имзолашди.

### I. ШАРТНОМА МАВЗУСИ

1.1. Пудратчи ушбу шартнома шартларига мувофиқ, “Минерал ресурслар институти” давлат муассасасига қаршли Олмалиқ шаҳри, У.Носир кўчаси, 3-уйда жойлашган Олмалиқ тажриба-экспериментал технологиялар марказининг биносини капитал таъмирлаш бўйича ишларини бажаришни ўз зиммасига олади.

### II. ШАРТНОМАГА АСОСАН БАЖАРИЛАДИГАН ИШЛАРНИНГ ҚИЙМАТИ

2.1. Пудратчи томонидан ушбу шартнома бўйича бажарилган ишларнинг қиймати **2 582 177 423** (Икки миллиард беш юз саксон икки миллион бир юз етмиш етти минг тўрт юз йигирма уч) сўмни ташкил этади, шу билан бирга барча тўловлар, солиқлар ва чегирмаларни ўз ичига олган жорий нархлар бўйича ҚҚС билан.

2.2. Шартнома асосида бажариладиган ишларнинг умумий қиймати ушбу шартноманинг ажралмас қисми ҳисобланган 1-иловага мувофиқ томонлар томонидан келишилган шартнома ишларининг нархини келишиш Баённомаси билан тасдиқланган.

### III. ПУДРАТЧИНИНГ МАЖБУРИЯТЛАРИ

3.1. Ушбу шартнома бўйича Пудратчи ушбу шартноманинг I бобида назарда тутилган ишларни бажариш учун мажбурдир:

- ўзи ва (ёки) жалб қилинган кучлар ва қурилиш материаллари билан ушбу шартномада кўзда тутилган муддатларда ишларнинг барча ҳажмини бажаришга ва ишни шартнома шартларига мувофиқ Буюртмачига топширишга;

- қурилиш майдонига керакли қурилиш материаллари, маҳсулотлар, конструкциялар, асбоб-ускуналар ва бутловчи қисмлар, қурилиш техникасини етказиб бериш, уларни қабул қилиш, тушириш, тахлаш ва саклашга;

- шартнома имзолангандан сўнг 5 иш кунда Буюртмачига қурилиш ва таъмирлаш ишларининг режа графигини тақдим этади;

- қурилиш майдончасида зарур техника хавфсизлик чоралари ва атроф-муҳитни муҳофаза қилишни таъминлашга.

3.2. Пудратчи Буюртмачи олдида ўз кучлари ва субпудратчилар томонидан ушбу шартнома бўйича барча ишларнинг тўғри бажарилиши учун тўлиқ мулкый жавобгарликни олади.

### IV. БУЮРТМАЧИНИНГ МАЖБУРИЯТЛАРИ

4.1. Шартномани бажариш учун Буюртмачи қуйидагиларни ўз зиммасига олади:

- лойиха-смета ҳужжатларини ва ишчи чизмаларини беришни;

- Пудратчининг қабул қилинган шартнома мажбуриятлари ва ушбу шартномада назарда тутилган бошқа функцияларни бажарган ҳолда, ишларнинг бориши устидан доимий меъморий-қурилиш назоратини ташкил этишни;

- бажарилган ишларни Пудратчидан қабул қилинишини таъминлашни;

- бажарилган иш далолатномаси ва ҳисоб-фактура тақдим этилгандан сўнг, Пудратчи томонидан бажарилган ишлар учун жорий тўловларни амалга ошириш.



4.2. Агар Буюртмачи ушбу шартнома бўйича ўз мажбуриятларини ўз вақтида бажармаса, бу иш ишлаб чиқариш бўйича ишларнинг кечикишига олиб келса, Пудратчи бажарилиш муддатини тегишли муддатга узайтиришга ҳақли ва ушбу муддат давомида объектни фойдаланишга топширилмаганлиги учун жарима тўлашдан озод қилинади. Бундай ҳолда томонлар қўшимча харажатларнинг олдини олиш учун барча зарур чораларни кўрадилар.

#### **V. ИШЛАРНИНГ БАЖАРИЛИШ МУДДАТИ**

5.1. Шартнома кучга кирган сана: бошланиши - 2022 йил 08 июль, охири - 2022 йил 15 август.

5.2. Пудратчи аванс тўловини олган кундан бошлаб 3 (уч) иш кунда ишларни бошлайди.

5.3. Ушбу Шартнома амал қилиш муддати 2022 йил 31 декабргача.

#### **VI. ТЎЛОВЛАР ВА ҲИСОБ -КИТОБЛАР**

6.1. Буюртмачи Пудратчига шартнома бўйича ишларнинг умумий қийматининг 30% миқдорида аванс тўловини ўтказди.

6.2. Буюртмачи Пудратчига ушбу шартноманинг 2-иловасидаги Календар режага мувофиқ, Пудратчи томонидан қилинган ишларнинг далолатномаси ҳамда ҳисоб-фактура тақдим қилингандан сўнг кўрсатилган миқдорда тўловларни амалга оширади.

6.3. Агар Буюртмачи шартнома кучга кирган кундан бошлаб ўттиз кун ичида ушбу шартнома бўйича қабул қилинган мажбуриятларни бажармаса Пудратчи бу ҳақда қонун ҳужжатларида белгиланган тартибда Буюртмачини ёзма равишда хабардор қилиб, шартномага ўзгартиришлар киритишни талаб қилишга ҳақли.

6.4. Пудратчи томонидан ушбу шартноманинг 1.1. бандида назарда тутилган ишларни тўлиқ бажарилиб, тегишли банк мутахассислари томонидан Банк ҳажм ўлчови (банковский обмер) ўтказганидан сўнг, барча камчиликлар бартараф этилишига қадар Буюртмачи шартнома суммасининг 5% миқдоридаги пул маблағларини Пудратчининг ҳисоб рақамига ўтказмай туришга ҳақли.

#### **VII. ИШЛАРНИНГ ОЛИБ БОРИЛИШИ**

7.1. Буюртмачи қурилиш майдонида ўз вақилини - техник аудиторни тайинлайди, у буюртмачи номидан бажарилган ишларнинг сифати устидан техник назоратни амалга оширади.

7.2. Техник аудитор барча турдаги ишларни бажарилишининг барча даврида ва ушбу шартноманинг амал қилиш муддати давомида тўсиқсиз кириш ҳуқуқига эга.

7.3. Пудратчи ишларни ишлаб чиқариш лойиҳасига мувофиқ ва ушбу шартноманинг V бўлимида кўрсатилган шартлар билан боғлиқ ўз режалари ва жадвалларига мувофиқ объектда ишларни мустақил равишда ташкил қилади.

7.4. Таъмирлаш ишларини олиб бориш вақтида коммуникацияларни вақтинча уланиш пунктларига улаш ва янгидан қурилган коммуникацияларга улаш Пудратчи томонидан амалга оширилади.

7.5. Пудратчи ўзи томонидан капитал таъмирлаш ишларида қўлланиладиган қурилиш материаллари, асбоб-ускуналар ва бутловчи буюмлар, конструкциялар ва тизимлар сифати лойиҳа ҳужжатларида кўрсатилган спецификацияларга, давлат стандартларига, техник шартларга мувофиқ бўлишини ҳамда уларнинг сифатини тасдиқловчи тегишли сертификатларга, техник паспортларга ёки бошқа ҳужжатларга эга бўлишини кафолатлайди.

7.6. Пудратчи таъмирлаш ишлари олиб борилаётган майдонини ва унга туташ ҳовли, кўчани, шу жумладан йўл участкалари ва йўлакларни супуриб-сидиради ва озода сақлайди, қурилиш даврида майдондан қурилиш ахлатини ўз ҳисобидан чиқариб ташлайди.



7.7. Ишлар бошланган пайдан бошлаб улар тугаллангунгача Пудратчи ишларни бажариш дафтарини юритади. Дафтарда бутун ишларнинг бориши, Буюртмачи ва Пудратчининг ўзаро муносабатларида аҳамиятга эга бўлган ҳоллар ва ҳолатлар (ишларнинг бошланиши ва тамом бўлиши санаси, материаллар, асбоб-ускуналар берилиши, хизматлар кўрсатилиши санаси, ишларнинг қабул қилиб олинishi, ўтказилган синовлар, тўхтаб қолишлар, шунингдек таъмирлаш ишларининг тугалланишига таъсир қилиши мумкин бўлган барча маълумотлар) акс эттирилади.

Агар Буюртмачи ишларнинг бориши ва сифатидан ёки Пудратчининг қайдларидан қониқмаса, у ҳолда ишларни бажариш дафтаридан ўз фикрини баён қилади.

Пудратчи дафтарда Буюртмачи томонидан асосли равишда кўрсатилган камчиликларни 3 кун муддатда бартараф этиш чора-тадбирларини кўриш мажбуриятини ўз зиммасига олади.

7.8. Агар Буюртмачи пудратчи ва (ёки) субпудратчилар томонидан сифатсиз бажарилган ишларни аниқласа пудратчи ўзи ва қурилиш нархини оширмасдан бу ишларни сифатини таъминлаб, келишилган муддатда қайта бажариши шарт.

Агар пудратчи сифатсиз бажарилган ишни келишилган муддатда бажара олмаса ва қурилиш ишлари муддати кечикиб кетса у ҳолда етказилган зарарни Буюртмачига қайтаради.

### **VIII. ҲИМОЯ ҚИЛИШ ИШЛАРИ**

8.1. Пудратчи иш бошланишидан тугагунгача қадар ва ишни Буюртмачи томонидан қабул қилинишигача, ишлар олиб борилаётган ҳудуддаги материаллар, ускуналар, қурилиш техникаси ва бошқа мол-мулкнинг тўғри ҳимояланишини таъминлайди.

8.2. Буюртмачи бажарилган ишларни қабул қилганидан кейин материаллар, ускуналар ва бошқа мулкларнинг хавфсизлиги учун жавобгардир.

### **IX. БАРТАРАФ ЭТИБ БЎЛМАЙДИГАН КУЧЛАР ВАЗИЯТИ (ФОРС-МАЖОР)**

9.1. Томонлар ушбу шартнома бўйича мажбуриятларни қисман ёки тўлиқ бажармаганликлари учун жавобгарликдан озод қилинади, агар бу табиий ҳодисалар ва бошқа форс-мажор ҳолатлари натижасида юзага келган бўлса ва агар бу ҳолатлар ушбу шартноманинг бажарилишига бевосита таъсир кўрсатган бўлса.

9.2. Ушбу шартнома бўйича мажбуриятларни бажариш муддати форс-мажор ҳолатлари шунингдек ушбу ҳолатлар оқибатида юзага келган оқибатларга мутаносиб равишда кечиктирилади.

9.3. Агар форс-мажор ҳолатлари ва уларнинг оқибатлари бир ойдан кўпроқ давом этса, Пудратчи ва Буюртмачи ишни давом эттириш ёки уни сақлаб қолиш учун қандай чоралар кўриш кераклигини муҳокама қилишади.

9.4. Агар томонлар икки ой ичида келиша олмасалар, томонларнинг ҳар бири шартномани бекор қилишни талаб қилишга ҳақли.

### **X. ТАЙЁР ОБЪЕКТНИ ҚАБУЛ ҚИЛИШ**

10.1. Тайёр объектни қабул қилиш томонлар ушбу шартномада назарда тутилган барча мажбуриятларни бажарганидан кейин амалдаги тартиблар асосида шунингдек тугалланган ишларни фойдаланишга қабул қилишнинг белгиланган қоидаларига мувофиқ амалга оширилади.

10.2. Объектларни қабул қилиш Буюртмачи Пудратчидан фойдаланишга топширишга тайёрлиги тўғрисида ёзма хабарнома олган кундан бошлаб 5 кун ичида амалга оширилади.

### **XI. КАФОЛАТЛАР**

11.1. Пудратчи кафолат беради:

- барча ишларни тўлиқ ва ушбу шартнома шартларида белгиланган муддатларда бажаришига;



- ўзи томонидан қурилиш учун қўлланиладиган қурилиш материаллари, асбоб-ускуналар ва бутловчи буюмлар, конструкция ва тизимлар сифатини, уларнинг лойиҳа ҳужжатларида кўрсатилган сертификацияларга, давлат стандартларига ҳамда техник шартларга мувофиқлигини;

- ишларни қабул қилишда аниқланган камчилик ва нуқсонларни ўз вақтида бартараф этишни.

11.2. Объектга ўрнатилган муҳандислик тизимлари, асбоб-ускуналар, материаллардан фойдаланиш ва ишларнинг кафолатли муддати капитал таъмирлаш ишлари тугаллангандан сўнг объектни қабул қилиб олиш тўғрисидаги далолатномани имзолаган кундан бошлаб, камида 12 ой этиб белгиланади.

## **XII. ШАРТНОМАНИ БЕКОР ҚИЛИНИШИ**

12.1. Буюртмачи қуйидаги ҳолларда шартномани бекор қилишни талаб қилишга ҳақли:

- Пудратчи томонидан шартнома кучга киргандан кейин буюртмачининг ихтиёрида бўлмаган сабабларга кўра аванс тўловини олганидан кейин 5 кундан ортиқ муддатга қурилишни бошламаса;

- пудратчи томонидан унинг айби билан иш жадвалига риоя қилмаслик ва агар ушбу шартномада белгиланган ишни бажариш муддати ўн кундан ошса.

12.2. Пудратчи қуйидаги ҳолларда шартномани бекор қилишни талаб қилишга ҳақли:

- буюртмачи Пудратчига боғлиқ бўлмаган сабабларга кўра ишнинг бажарилишини тўхтатганда ва аванс тўловини шартнома имзолаганидан кейин 10 кун ичида тўланмаганда;

- Буюртмачи томонидан молиялаштириш шартлари бажарилмаганда;

- қонун ҳужжатларига мувофиқ бошқа асослар бўйича.

12.3. Буюртмачи ва Пудратчининг биргаликдаги қарори билан шартнома бекор қилинган тақдирда, тугалланмаган қурилиш бир ой муддатда Буюртмачига топширилади ва у Пудратчига амалда бажарилган ишлар учун ҳақ тўлайди.

## **XIII. ТОМОНЛАРНИНГ МУЛКИЙ ЖАВОБГАРЛИГИ**

13.1. Томонлардан бири шартнома мажбуриятларини бажармаган ёки лозим даражада бажармаган тақдирда айбдор томон Ўзбекистон Республикасининг Фуқаролик Кодекси, «Хўжалик юритувчи субъектлар фаолиятининг шартнома-ҳуқуқий асослари тўғрисида» 1998 йил 29 августдаги 670-І-сонли Ўзбекистон Республикаси Қонуни, бошқа қонун ҳужжатлари ва бу шартнома билан белгиланган тартибда жавобгар бўлади.

13.2. Буюртмачи ёки Пудратчи томонидан капитал таъмирлаш ишларига ёки томонларнинг мулкига зарар етказилса, айбдор томон ўрнатилган тартибда далолатнома асосида етказилган зарар қоплашга мажбурдирлар.

## **XIV. МУНОЗАЛАРНИ ҲАЛ ҚИЛИШ**

14.1. Ушбу шартномани бажариш пайтида юзага келиши мумкин бўлган барча низолар ва келишмовчиликлар иложи борица томонлар музокаралари орқали ҳал қилинади, шикоятларни ҳал қилиш тартиби шулар жумласидан.

14.2. Агар томонлар музокаралар йўли билан ўзаро келишувга эриша олмаса низо Тошкент шаҳар иқтисодий судида кўриб чиқилади.

## **XV. МАХСУС ШАРТЛАР**

15.1. Ушбу шартнома имзолангандан сўнг томонлар ўртасида тузилган ёзма ва оғзаки битимлар, ёзишмалар ўз кучини йўқотади.

15.2. Пудратчи Буюртмачининг ёзма рухсатисиз объектни ёки унинг алоҳида қисмларини капитал таъмирлаш учун ишчи ҳужжатларни учинчи шахсга сотиш ёки бериш ҳуқуқига эга эмас.



15.3. Агар тегишли асослар мавжуд бўлса ушбу шартномага ўзгартиришлар ва қўшимчалар киритилиши мумкин, улар Буюртмачи ва Пудратчи ўртасидаги шартномага қўшимча келишув билан расмийлаштирилади.

Ушбу шартномага киритилган барча ўзгартиришлар ва қўшимчалар агар улар ёзма шаклда тузилган ва томонлар томонидан имзоланган бўлса ҳақиқий ҳисобланади.

15.4. Ушбу шартнома билан тартибга солинмаган масалалар Ўзбекистон Республикасининг амалдаги қонун ҳужжатларига мувофиқ ҳал қилинади.

15.5. Ушбу шартнома Ўзбекистон Республикасининг давлат тилида 2 (икки) нусхада (ҳар бир томон учун бир нусхадан) тузилган бўлиб тенг юридик кучга эга.

## XVI. БАНК ТАФСИЛОТЛАРИ ВА ТОМОНЛАРНИНГ ЮРИДИК МАНЗИЛЛАРИ:

### Пудрачи

“RAVOT ME’MOR QURILISH” МЧЖ  
**Манзил:** Самарқанд ш., Тайлоқ тумани,  
Равот ҚФЙ, 211 уй  
**Тел:** +99893 721 90 90  
**ИНН:** 302 187 010  
**ОКЭД:** 43 299  
**МФО:** 00 287  
**Х/Р:** 20208 000 804 971 761 001  
**Банк:** АТВ “QISHLOQ QURILISH  
BANK” Самарқанд филиали

### Буюртмачи

«Минерал ресурслар институти» ДМ  
**Манзил:** Тошкент ш., Мирзо  
Улуғбек тумани, Олимлар, 64  
**Тел:** + 99890 351 00 60  
**ИНН:** 201363484  
**ОКЭД:** 72 190  
**МФО:** 00411  
**Х/Р:** 2021 0000 9005 7154 9001  
**Банк:** «АСАКА БАНК» АЖ Нурафшон  
филиали



Директор

Джалилов А.Х.



Директор

Холиков А.Б.

2022 йил “20” Унв  
52/22-сон шартномага  
1-ИЛОВА

### Шартнома нархларининг келишув БАЁННОМАСИ

Биз, қуйида имзо чекканлар, Пудратчи “RAVOT ME’MOR QURILISH” МЧЖ директори Джалилов А.Х. ва Буюртмачи “Минерал ресурслар институти” ДМ директори А.Б. Холиков, томонлар Олмалик шахри, Усмон Носир кўчаси, 3-уйда жойлашган Минерал ресурслар институтига қарашли Олмалик тажриба-экспериментал технологиялар маркази биносини капитал таъмирлаш бўйича шартнома қиймати тўғрисида қуйидаги келишувни тасдиқлаймиз.

Шартнома бўйича жами 2 582 177 423 (Икки миллиард беш юз саксон икки миллион бир юз етмиш етти минг тўрт юз йигирма уч) сўм 00 тийин, амалдаги нархларда ҚҚС билан, барча тўловлар, солиқлар ва чегирмалар билан.

Ушбу баённома Пудратчи ва Буюртмачи ўртасидаги ўзаро ҳисоб-китоблар учун асосдир.

ПУДРАТЧИ

БУЮРТМАЧИ

“RAVOT ME’MOR QURILISH” МЧЖ


“МИНЕРАЛ РЕСУРСЛАР  
ИНСТИТУТИ” ДМ

Директор

Директор



Джалилов А.Х.



Холиков А.Б.

Two handwritten signatures in blue ink are located at the bottom right of the page. The first signature is larger and more stylized, while the second is smaller and more compact.



## Хуқуқий экспертиза хулосаси

Минерал ресурслар институтининг 2022 йил “20” сентябрь  
да “RAVOT MEMOR QURILISH” МЧЖ билан  
тузаётган шартнома лойиҳаси Ўзбекистон Республикаси Фуқаролик  
Кодексининг 353, 354, 437, 456 – моддалари ва Ўзбекистон  
Республикасининг 1998 йил 29 августдаги “Хўжалик юритувчи субъектлар  
фаолиятининг шартномавий-хуқуқий базаси тўғрисида”ги қонунининг 31,  
32, 34 – моддалари талабларига жавоб беради.

Шартномани қўзғити ва бажаришга алоқаси бўлган бошқа  
хужжатлар хуқуқий экспертизадан ўтказилди.

“YUM AND LAWERS” адвокатлик

бюроси адвокати



A handwritten signature in blue ink, appearing to be "F.Y. Chuponov".

Ғ.Ю.Чупонов